

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**



---

**ВЕСТНИК ХОРЕЗМСКОЙ АКАДЕМИИ МАЪМУНА  
BULLETIN OF KHOREZM ACADEMY MAMUN**

---

---

**2023 – 6/1**

---

**ЎЗНИНГ ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН  
ТИЗМАЛАРИДАНИ ТОЛА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

*Б.О.Ўрозов, катта илмий ходим, PhD, ПСУЕА ИТИ, Тошкент*

*Ф.Н.Гореев, доц., к/х.ф.н., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

*Р.Р.Эгамбердиев, доц., к/х.ф.н., ТИҚХММИ миллий тадқиқот университети, Тошкент*

*Г.Э.Шодмонова, доц., PhD, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

*Аннотация. Тадқиқотларда оддий дурагай тизмалардан Т-3, Т-9, Т-30 ҳамда мураккаб дурагай тизмалардан Т-50, Т-53, Т-57 тизмаларда тола сифат кўрсаткичлари андоза навиға ва бошқа тизмаларға нисбатан ижобий бўлиб, толаси IV типға мансуб оилалар борлиги аниқланди.*

*Калит сўзлар: гўза, оддий ва мураккаб дурагай, тизма, толани ип йиғирувчанлик коэффициентни, микронейр, тола узунлиги, толани нисбий узунлиги кучи, тола бирхиллиги.*

*Аннотация. Показатели качества волокна у простых линий Т-3, Т-9, Т-30 и сложных линий Т-50, Т-53, Т-57 были положительными по сравнению со стандартным сортом и другими линиями в опыте, что определило существование семейств. относятся к IV типу.*

*Ключевые слова: хлопок, простой и сложный гибрид, линия, коэффициент крутки волоконной пряжи, микронейр, длина волокна, разрывная удельная нагрузка волокна, однородность волокна.*

*Abstract. Fiber quality indexes in the simple lines Т-3, Т-9, Т-30 and complicated lines Т-50, Т-53, Т-57 were positive than standard variety and other lines in the experience which defined the existence of the families belong to IV type.*

*Key words: cotton, simple and complex hybrid, line, fiber yarn twist coefficient, micronaire, fiber length, fiber relative breaking strength, fiber uniformity.*

Пахта етиштирувчи барча давлатларда янги яратилаётган навлар толасининг сифат белгиси энг муҳим аҳамиятга эға ҳисобланади. Ўзанин қимматли хўжалик белгилари юқори бўлиши билан бир қаторда тола сифат кўрсаткичлари жаҳон андозаси талабларига жавоб бериши зарур. Пахта толасини сифатини ижобий бўлишини таъминлаш мақсадида Республикамизда ва хорижда турли хил дурагайлардан фойдаланган ҳолда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ҳамда давом эттирилмоқда. Жумладан, Ҳ.Болтаев ва М.Камалидиновлар [1] тадқиқотларида ўзани янги тизмаларида толанин технологик сифат кўрсаткичлари аниқланиб, микронейр белгисининг энг яхши кўрсаткич 4.2, 4.3 ва 4.4 бўлиб, бу 14 ва 19 тизмаларда, тола пишкклиги бўйича юқори бўлган ва тола узунлиги 1.29 дюймгача бўлган ҳамда бошқа бир нечта қимматли хўжалик белгилари юқори кўрсаткичларга эға бўлган янги тизмалар ажратиб олишға эришилган.

Экологияни йилдан йилға ўзгарishi сабабли Республикамизда тупрокнинг шўрланиш даражаси турлича бўлиши кузатилмақда. Шўрланган тупрок шаронтида ўзанин қимматли хўжалик белгиларини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади О.Қўчқоров [2] маълумотларида келтирилишича шўрланган тупрок шаронтида гўза тизмалари ва F<sub>3</sub> дурагайларини тола сифат кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинганда, тола чикими тизмаларда (Т-045) 37.5 фонздан (ИК-45) 39.8 фонзгача бўлганлиги, F<sub>3</sub> дурагайларида эса F<sub>3</sub> (ИК-2x06) 38 фонздан F<sub>3</sub> (ИК-3x045) 40.1 фонзгача, андоза сифатида ўрганилган 6524 навида эса 34.6 фонзни ташкил этган. Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида мураккаб дурагайлаш натижасида олинган дурагайлар юқори тола сифатиға эға эканлиги келтирилган.

Австралия олими J.D.Clement [3] маълумотиға кўра, ҳосилдорлик ва тола сифатининг айрим белгилари орасида салбий корреляциялар борлиги аниқланди, айниқса тола узунлиги ва пишкклиги ҳамда тола ҳосилдорлиги салбий даражада боғланган. Тола пишкклиги ҳосилдорлик билан ижобий боғланганлиги маълум бўлди. Микронейр ва тола майинлиги ҳосилдорлик билан боғланмаганлиги аниқланди. Кучсиз боғланишларни яқка танлов ишлари орқали бузиш мумкин. Бу ишларнинг ёш авлодларда бошлаш керак. Тола сифати белгиларини

бошқарувчи генлар F<sub>5</sub>–F<sub>6</sub> авлодида ўз аддитив самарасини намойиш этади. Тола сифатини пасайтирадиган яна бир омил-барглarning қолдиқларидир, чунки машина теримида сербаргли ўсимликларда ифлосланиш юқори бўлади.

Тадқиқотларда айрим биотик омилларга бардошли бўлган, морфоҳўжалик белгилари бўйича ижобий кўрсаткичларга эга ўрта толали ғўзанинг оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган (F<sub>10</sub>) тизмалар ҳамда андоза С-6524 навидан олинган намуналарда толанинг ип йигирувчанлик коэффициенти SCI, микронейр Mic, тола узунлиги Lend (дюйм), солиштирма нисбий узунлиш кучи Str (g/tex) ва тола бирхиллиги UI (%) каби кўрсаткичи таҳлил қилинди. Толанинг сифат кўрсаткичлари “Сифат” сертификатлаш марказида HVI замонавий ўлчов асбобида аниқланди.

Ип йигирувчанлик коэффициенти бўйича оддий дурагайлардан (F<sub>10</sub>) олинган тизмаларда 123 дан Т-1 тизмасида, 164 гача Т-9 тизмасида, мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса 147 дан Т-60 тизмасида, 175 гача Т-53 тизмасида бўлганлиги, микронейр кўрсаткичи бўйича ушбу тизмалар ўрганилганда оддий дурагайлар тизмаларда 4,4 дан Т-18 тизмаси, 4,9 гача Т-30 тизмаси, мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса 4,3 дан Т-46 тизмасида бўлганлиги аниқланди. Андоза сифатида олинган С-6524 навида ип йигирувчанлик коэффициентини эса 134 ни микронейр кўрсаткичи 4,8 ни ташкил этди. Микронейр кўрсаткичидан ушбу дурагайлардан 4,7 дан юқори бўлган ҳамда ип йигирувчанлиги жаҳон тола сифати талабларига жавоб бермайдиган тизмалар оилалари чиқитга чиқазилди (жадвал).

Толанинг сифат кўрсаткичларидан тола узунлиги наслий белгилардан ҳисобланиб, ушбу белги бўйича оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларда андоза навида таққослаб таҳлил қилинди. Тола узунлиги белгиси бўйича оддий дурагайлардан олинган тизмаларда 1,09 дюймдан Т-31 тизмасида, 1,17 дюймгача Т-9 тизмасида, мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса 1,11 дюймдан Т-43 тизмаси, 1,16 дюймгача Т-53 тизмасида бўлиб, андоза С-6524 навида эса 1,10 дюймни ташкил этди. Ушбу белги бўйича оддий дурагайлардан олинган тизмаларда, мураккаб дурагайлардан олинган тизмалар ва андоза навидан бирмунча юқорилиги кузатилди.

Жадвал

Оддий ва мураккаб дурагайларлаш натижасида яратилган янги тизмаларнинг тола сифат кўрсаткичлари

№	Оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмалар	SCI	Mic	Lend (дюйм)	Str (g/tex)	UI (%)
1	Т-1 [F <sub>10</sub> (С-9083хБарҳаёт)]	123	4,7	1,12	32,2	83,7
2	Т-3 [F <sub>10</sub> (С-9085хС-6771)]	163	4,4	1,14	36,9	84,6
3	Т-7 [F <sub>10</sub> (С-9083хАндижон-35)]	138	4,6	1,13	34,8	82,8
4	Т-9 [F <sub>10</sub> (С-9085хБарҳаёт)]	164	4,5	1,17	35,5	85,0
5	Т-18 [F <sub>10</sub> (С-8292хБарҳаёт)]	150	4,4	1,16	36,2	85,8
6	Т-21 [F <sub>10</sub> (ЖарқўрғонхБарҳаёт)]	132	4,8	1,13	33,0	85,1
7	Т-30 [F <sub>10</sub> (С-9083хС-6771)]	151	4,9	1,12	38,5	84,1
8	Т-31 [F <sub>10</sub> (С-9085хС-6730)]	159	4,5	1,09	37,7	83,8
9	Т-43 [F <sub>10</sub> (С-9083хАндижон-35)х (С-9085хС-6771)]	141	4,7	1,11	35,3	84,0
10	Т-46 [F <sub>10</sub> (С-9083хАндижон-35)х (С-9085хБарҳаёт)]	171	4,3	1,15	36,9	84,4
11	Т-50 [F <sub>10</sub> (С-9083хАндижон-35)х (С-8292хС-6771)]	158	4,8	1,13	34,9	83,4
12	Т-53 [F <sub>10</sub> (ЖарқўрғонхБарҳаёт)х (С-9083хС-6771)]	175	4,5	1,16	35,7	84,8
13	Т-57 [F <sub>10</sub> (ЖарқўрғонхБарҳаёт)х (С-9085хС-6530 )]	168	4,4	1,14	37,2	85,2
14	Т-60 [F <sub>10</sub> (ЖарқўрғонхБарҳаёт)х (С-8292хБарҳаёт)]	147	4,6	1,13	34,4	84,3
	St. С-6524	134	4,8	1,10	33,2	83,6

Тола бир хиллиги ва солиштирма нисбий узунлиш кучи белгилари бўйича аниқланганда оддий дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларда солиштирма нисбий узунлиш кучи 32,2

г/текстдан Т-1 тизмаси 38,5 г/текстгача Т-30 тизмасида тола бирхиллиги белгиси бўйича эса 82,8 фонздан Т-7 тизмаси, 85,1 фонзгача Т-21 тизмасида кузатилди. Мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда солиштирма нисбий узулиш кучи эса 34,4 г/текстдан Т-60 тизмаси, 37,2 г/текстгача Т-57 тизмасида бўлганлиги тола бирхиллиги 83,4 фонздан Т-50 тизмаси, 85,2 фонзгача Т-57 тизмасида бўлганлиги аниқланди. Андоза сифатида олинган С-6524 навида солиштирма узулиш кучи эса 33,2 г/текст, тола бирхиллиги 83,6 фонзни ташкил этди.

Тадқиқотларда оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларни тола сифат кўрсаткичлари тахлили асосида оддий дурагайлардан олинган Т-3, Т-9 ва Т-30 тизмалари ҳамда мураккаб дурагайлардан олинган тизмалардан Т-50, Т-53 ва Т-57 тизмалари бошқа тизмалар ва андоза навида нисбатан тола сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши аниқланди. Ушбу тизмаларда толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича IV типга мансуб оилалар борлиги кузатилди. Тола сифат кўрсаткичлари бўйича ижобий белгиларга эга бўлмаган тизмалар чикитга чиқазилди ҳамда айрим биотик омилларга бардошли ва тизмалар кейинги йилларда аксарият қимматли хўжалик белгиларини жипслаштириб янги нав ва бошланғич шакллар яратиш учун янги тизмалар ажратиб олинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Болтаев Ҳ ва Камолитдинов М. AGRO ILM 1(64)-son 2020-йил. 12-13 б.
2. Қўчқоров О. AGRO ILM Махсус сон 2019 йил. 5-6 б.
3. Clement J.D., Constable G.A., Stiller W.N., Liu S.M. Negative associations still exist between yield and fibre quality in cotton breeding programs in Australia and USA. Field Crops Research 2012, - P. 128-130.

УЎТ: 633.511: 576.31

### ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ, ТИЗМАЛАРИ ВА ДУРАГАЙ КОМБИНАЦИЯЛАРИДА АЙРИМ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*К.О.Хударганов, к/х.ф.д., к.и.х., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*  
*С.А.Усманов, к/х.ф.н., катта илмий ходими. ПСУЕА ИТИ, Тошкент*  
*М.М.Абдуллаева, магистр, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

*Аннотация. Мақолада, дурагай комбинациялар ва тизмаларнинг айрим қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари бўйича тахлили келтирилган. Ўрганилган дурагай комбинациялар ва тизмалар ингичка толали ғўза навлари яратишда 1 кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни белгиларини яхшилашда катта ахамиятга эга бўлиши аниқланган.*

*Калит сўзлар: Битта кўсақдаги пахта вазни, г, тола чиқими, %, 1000 дона чигит вазни, г, Тола узунлиги, мм.*

*Аннотация. В статье приводится анализ показателей некоторых хозяйственно-ценных признаков тонковолокнистых гибридных комбинаций и линий. Показано, что изученные гибридные комбинации и линии имеют большое значение в улучшении признаков масса хлопка-сырца одной коробочки, выход волокна и масса 1000 штук семян при создании сортов тонковолокнистого хлопчатника.*

*Ключевые слова: Масса хлопка-сырца одной коробочка, выход волокна, масса 1000 штук семян, длина волокна.*

*Abstract. Indexes' analysis of some economical traits in the hybrid combinations and lines of fine staple cotton is presented in this article. It was revealed that study of hybrid combination and lines has a great importance in the improving of traits: weight of one boll, fiber output and weight of 1000 seeds at the creating of new fine staple cotton varieties.*

*Keywords: Weight of one boll, fiber output, weight of 1000 seeds, fiber length.*

Кириш. Маълумки, маданий ғўза навларининг асосий хўжалик белгиларини яхшилашда, белги ва хусусиятлари юқори бўлган ғўза шакллари ва намуналари иштирокида олинган дурагайлар амалий селекция учун бошланғич манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Республикамізда ракобатбардош, тола чикими дунё пахта бозори талабларига жавоб